



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

20-18 йил “7.” декабрь № 1000

Тошкент ш.

**Ўқув-услубий ҳужжатларни
тасдиқлаш ҳамда ўқув
адабиётларни чоп этишга
рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлар билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон қарорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича Олий, ўрта махсус, касб-хунар ва малака ошириш таълим муассасаларини белгиланган тартибда малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурлари ва янги ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил 21 ноябрдаги мажлисининг 5-сон баёни қарорига мувофиқ:

Б У Ю Р А М А Н:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлар билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби, такомиллаштирилган Низоми, ташкилий тузилмалари, тажриба майдончалари тўғрисидаги Низомлари тасдиқлансин;

2. Божхона институтида ташкил этилган Ижодий ишчи гуруҳлар билан ҳамкорликда халқаро тажрибалар асосида такомиллаштирилиб ишлаб чиқилган “5230500-Божхона иши (иқтисодчи)”, “5240100-Юриспруденция (иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш) таълим йўналишларининг 5A230501-Божхона иши (фаолият турлари бўйича), 5A240109-Солиқ

ва божхона ҳуқуқи магистратура мутахассисликларининг малака талаблари тасдиқлансин ва ўқув режалари;

- Хадис илми мактаби, Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси, Тошкент ислом институти, Мир Араб олий мадрасаси ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутахассислари билан ҳамкорликда халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган “Ҳадисшунослик” таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режасига;

- Тошкент молия институти томонидан такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган 230900-Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) таълим йўналишининг малака талаблари тасдиқлансин, ўқув режаси ва “Халқаро аудит стандартлари” ва “Ҳақаро молиявий ҳисобот стандартлари” фанлари дастурларига мувофиқ келишувга киритилсин.

3. Самарқанд ветеринария медицинаси институти томонидан ишлаб чиқилган “Қишлоқ хўжалик паррандаларини юқумли, юқумсиз ва паразитар касалликларини олдини олиш ва даволашда замонавий усул ва воситалардан фойдаланиш”, “Қишлоқ хўжалик паррандаларининг селекцияси ва наслчилик иши”, “Паррандачиликка ихтисослашган хўжаликларда иш юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва инновацион менежменти”, “Хориждан келтирилаётган насли қишлоқ хўжалик парранда зотлари, линия ва кроссларини сақлаш ҳамда парваришlash технологияси”, “Қишлоқ хўжалик паррандаларини тўла қийматли озиклантириш технологияси”, “Паррандачилик соҳасидаги илғор паррандачилик хўжаликлари ва ташкилотлари тажрибасини ўрганиш” модуллари бўйича паррандачилик хўжаликларининг малакасини ошириш курслари учун ўқув дастурлари ва ўқув режалари 1-иловага;

- олий таълим муассасаларида рус филологияси ва ахборот технологиялари бўйича дарс бераётган профессор-ўқитувчиларни хорижий профессорларни таклиф этган ҳолда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази томонидан тайёрланган “Амалий математика ва информатика” ҳамда “Филология ва тилларни ўқитиш (рус тили ва адабиёти)” йўналишлари бўйича педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув режа ва дастурлари 2-иловага;

- Тошкент давлат педагогика университетининг “Психология” ўқув-илмий маркази қошида “Психология (фаолият турлари)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш курсларининг ўқув режаси асосида “Психология (фаолият турлари)” йўналиши бўйича психолог кадрларни қайта тайёрлаш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари ва қайта тайёрлаш намунавий ўқув дастурлари 3-иловага;

- таянч олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари талабалари учун ишлаб чиқилган фан дастурлари ҳамда Тиббий олий таълим бакалаврият йўналишларининг 2017-2018 ўқув йилида тасдиқланган

намунавий ўқув режаси асосида 2-3-4-5-курслар учун тайёрланган фан дастурлари рўйхати 4-иловага мувофиқ келишувга киритилсин.

4. Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибидаги ўқув-услубий бирлашмалар ва комиссиялар томонидан ижобий хулоса берилган олий таълим муассасалари учун яратилган ўқув адабиётларини 5-иловадаги рўйхатга мувофиқ чоп этишга рухсат берилсин.

5. Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш бош бошқармаси (С.Ниязбеков), Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази (З.Хақимов), Педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишни ташкил этиш ва назорат қилиш бошқармаси (К.Гафуров)га таянч олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари томонидан тайёрланган ҳамда тасдиқланган малакавий талаблар, ўқув режа, фан дастурларини белгиланган тартибда расмийлаштириш ва тегишли таълим муассасаларига етказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлар билан таъминлаш тўғрисида”ги 816-сон қарорида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш бўйича олий таълим муассасалари ўқув ва илмий бўлим бошлиқлари учун жорий йил якунига қадар ўқув семинар ўтказиш;

- рўйхати тасдиқланган ўқув адабиётларни чоп этишга рухсат берилганлиги тўғрисида вазирликнинг гувоҳномасини белгиланган тартибда расмийлаштириш ва таълим муассасаларининг масъул бўлинмалари орқали муаллифларга етказиш вазифалари юклатилсин.

6. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари О.Абдурахманов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов